



“ 2 ” апрель 20 15 у № 5 .

**Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш бўйича
Услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек қурилиш фаолияти кўрсаткичларини шакллантириш услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш бўйича Услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 ноябрдаги 14-сонли “Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш бўйича Услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 31 июлдаги 10-сонли “Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш бўйича Услубий низом”га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

3. Мазкур қарор 2015 йилнинг 3 апрелидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б.Тураев